

Мисрда Рамазон ойи бошида 300 та янги масжид очилади



14:40 / 03.05.2019 2019

2019 йил 30 апрель куни Миср Вақф вазири Муҳаммад Мухтор ал-Шарқ вилоятида “Аҳмад арабий” номидаги масжиднинг очилиш маросимида иштирок этган, деб хабар беради ал-Дироҳ ахборот сайти.

Вақф вазири тадбирда сўзга чиқиб, келаси ҳафта Мисрнинг турли минтақаларида жами 300 та янги масжид очилиб фойдаланишга топширилишини маълум қилган.

– Бир ҳафтада 300 та масжид очамиз, бунга ўхшаши нафақат Миср, балки дунё тарихида ҳали кузатилмаган, – деди Миср Вақф вазири Муҳаммад Мухтор.

Islom.uz портали таҳририяти